

ISLAMONLINE.UZ

TAVORIX

Тарих



Нима учун Сталин Қора денгиз бўғозларини эгаллай олмаган?



Туркиянинг халқаро ишлардаги роли ортиб бориши муносабати билан Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Босфор ва Дарданелла бўғозларини ўз назоратига олишни мўлжаллаган Иосиф Сталиннинг сиёсати тобора тез-тез эсга олина бошлади. Кўпчилик тарихчилар генералиссимус кулай ташкил сиёсат вазиятдан фойдалана олмани, бўғозларда Совет ҳарбий базаларини ташкил қилмани ва 1877-78 йиллардаги рус-турк урушидан кейин Россия империяси таркибига қирган, кейин 1921 йилги Москва шартномасига кўра Туркия Республикасига қайтарилган Карс минтақасини ишғол қилмаганига тушунолмай хайрон бўлади.

Маълумки, Сталин Болконда ўзининг сиёсий йўналишини амалга оширар экан, биринчи навбатда Руминия, Болгария ва Югославияга Советлар таъсирининг таркалиши билан шугулланган. Хатто анти-Гитлер коалициясида иштирок этувчи мамлакатлар ўртасидаги Ялта конференциясида ҳам Болкон ярим оролидаги таъсир доирасини таксимлаш тўғрисида келишув пайдо бўлди. Черчилл Грецияни Англия таъсир зонасида олиб қолишга муваффақ бўлди, Болгария ва Руминия эса Совет манфаатлари зонасига ўтди. Югославияда Британия ва СССРнинг таъсири тахминан тенг бўлган.

Инглизлар тарихан Ўрта ер денгизига эътиборни кучайтириб, бу ерда кўплаб базаларни сақлаб қолишганини, шунингдек, 1940 йилдаги Англия-Туркиянинг хужум пайтида ўзаро ёрдам бериш тўғрисидаги битимини хисобга олиб, Сталин Болкондан Туркия худудига кўшин киритишни номакбул деб хисоблади ва бўғозлар масаласини хал қилишни "кейинрокка" қолдирди.

1945 йил ёзида Ташки ишлар халқ комиссари В.Молотов Туркия ҳукумати вакилларига урушда қолиб бўлган СССР 1921 йилги шартнома бўйича Туркияга ўтказилган худудларни қайтариш масаласини муҳокама қилмоқчи эканлигини маълум қилди, аммо у турк ҳукмрон доираларининг кескин қаршичилигига учради. Хавотирга тушган турклар инглиз ва америкаликларга ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

Буюк Британия ташки ишлар вазири Энтони Иден туркиялик ҳамкасби Жемал Эркинни Германияга қарши урушга қирмаслик билан ўз позициясини мураккаблаштиргани учун қоралади, чунки агар мамлакат Гитлерга қарши коалициядаги иттифокчилар лагерига ўтганида, бундай муаммоли вазиятга дуч келмаган бўларди. Эркин бунга жавобан: "Агар биз ўша пайтда шундай хатога йўл қўйганимизда эди, хали кучли бўлган немислар шаҳарларимизни вайрон қилган бўларди, юртимизни оккупациядан қутқариш масъулиятини, бошқа Болкон мамлакатларида бўлгани каби, Кизил Армия ўз зиммамизга олган бўлар эди. Шундай қилиб, биз ҳам, Руминия ва Болгария сингари, Совет Иттифокига мойил бўлган давлатга айлانган бўлардик", деб жавоб берди.

1945 йилнинг ёзида Сталин Совет кўшинларини Болкон томонидан ҳам, ўша пайтда Совет-Британия кўшма назорати остида бўлган Эрон томонидан Туркия чегараларига тўплашни бошлади. Иккинчи жаҳон урушида галаба қозонган мамлакатларнинг Потсдам конференциясида Туркиянинг Кавказортидаги чегараларини ўзгартириш, Карс минтақасини СССРга ўтказиш, шунингдек, Босфор бўғозида совет базасини ташкил қилиш ва у орқали чет эл кемаларининг ўтишини тартибга солувчи Монтрё конвенциясини қайта кўриб чиқиш масаласи кўтарилди. Бирок, Англия ва АКШ раҳбарлари Сталиннинг бу масалани хал қилиш таклифига тўғридан-тўғри жавоб беришдан бош тортдилар ва бу масалани Туркия билан СССР, АКШ ва Англия алоҳида муҳокама қилиши кераклигини айтдилар.

Потсдам конференцияси давомида АКШ Японияга қарши атом қуролининг қўлланиши ҳақида маълум қилганида айрим маълумотларга кўра, Сталин Сиёсий бюро аъзоларига шундай дейди: «Истанбулга сафар бекор қилинади... яхши вақтларгача. Турклар эса улар учун ўзларини қурбон қилган японларга абадий раҳмат айтсин...» Шу тариқа "совук уруш" бошланди. СССР худудини Туркияга тегишли Шарқий Анатолия худудлари хисобига кенгайтириш режалари белгиланмаган муддатга қолдирилди, Сталиннинг вафотидан кейин Совет Иттифоки раҳбарияти улардан бутунлай воз кечди. Натижада, Кора денгиз бўғозларининг ҳолати ўзгартирилмади. Туркия ўзи учун тегишли ҳулоса чиқариб, 1952 йилда НАТОга аъзо бўлди ва ўн йилликлар давомида альянснинг Жанубий қанотига айланди.

Абу Муслим таржимаси